

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ва ЎРТА-МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
БУХОРО МУХАНДИСЛИК ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

Бухоро Мухандислик Технология

Институтини ректори

Н.Р.Барақаев



2022 йил

*18.00.01 – «Архитектура назарияси ва тарихи.
Архитектура ёдгорлиқларини таъмирлаш»
ихтисослиги бўйича малакавий имтиҳон
ДАСТУРИ*

Тузувчилар:

Т.ф.н., доцент. Мирзаев Ш.Р. – “Архитектура” кафедраси мудири.

Т.ф.д., профессор. Воҳидов М.М. – “Архитектура” кафедраси

Т.ф.н., Негматуллаев Б. – “Архитектура” кафедраси.

Мутахасислик фан бўйича ўқув дастури “Архитектура” кафедраси
мажлисининг 2022 йил 12 ноябрь 6- сонли мажлисида кўриб чиқилган.

“Архитектура”
кафедраси мудири



Мирзаев Ш.Р.

Кириш

Республикамиз мустақилликка эришганидан сўнг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, мафкуравий-маънавий соҳаларда тараққиёт ҳамда янгилашнининг ўзига хос ва ўзига мос йўлини танлади. Мамлакатимиз ўтган қисқа вақт мобайнида улкан ютуқларга эришди. Ватанимизда соғлом, осойишта ижтимоий муҳит, сиёсий барқарорлик вужудга келиб, фуқароларимизга ўз қобилият ва истеъдодларини намоён қилиш, бунёдкорлик билан шуғулланишлари учун кенг имконият яратилди.

Ушбу дастур “Архитектура” таълим йўналиши бўйича “Архитектура тарихи”, “Ёдгорликларни таъмирлаш ва қайта тиклаш”, “Ўзбекистоннинг истиқлол йиллари меъморлиги”, “Архитектура назарияси” фанларни камрайди. Дастур мустақиллик йиллари қайта қурилган шаҳарлар, йирик меъморий обидалар, майдонлар, жамоат бинолари, турар жойлар, муҳандислик иншоотларининг услубий ва бадиий маҳорати тавсифини ҳамда истиқлол йилларидаги ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг архитектура ва шаҳарсозлик билан ўзаро боғлиқлигини ифода этади.

Республикамизнинг бозор иқтисодиётига ўтиш тажрибаси, оқилона ва одилона ички ҳамда ташқи сиёсати, танлаган йўли – ривожланишнинг «ўзбек модели» номи билан дунёга тарқалиб тан олинди. Истиқлол йилларининг дастлабки кунларидан бошлаб миллий анъаналаримизга асосланган янги давлатчилик назарияси, миллий тикланиш ғояси ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон – қадимги тамаддун, бой маданий мерос ва юксак архитектура анъаналарига эга мамлакат. Унинг кўплаб катта ва кичик шаҳарларининг ёши минг йилларни ташкил этади. Ўзбекистон ҳукумати ва ЮНЕСКО қарори билан 1997 йилда Бухоро ва Хиванинг 2500 йиллиги, 2001 йилда Термизнинг 2500 йиллиги, 2006 йилда Қаршининг 2700 йиллиги, 2007 йилда Самарқанднинг 2750 йиллиги, 2009 йилда эса Тошкентнинг 2200 йиллиги кенг тантана қилинди. Шу ўринда Биринчи Президентимиз И.А.Каримовнинг куйидаги сўзларини келтиришни жоиз деб билдик: “Миллий ўзини англаш, керак бўлса миллий ғурурнинг қайта тикланиши ва ривожланиши жараёнида тарихий обидалар, халқнинг, она диёрнинг, ҳудуднинг ҳолисона, ҳаққоний қайта тикланиши мутлақо муҳим ўрин тутди”. Бунёдкор ўзбек халқига унут бўлган тарихий обидалари қайтарилмоқда. Шўролар даврида улар йўқотиб юборишга маҳкум этилган эди. Миллий маданиятимиз дурдоналарига нисбатан олиб борилган иккиюзламачилик сиёсати ҳамма жойда кўзга ташланарди – ҳатто қадимги ғиштлардан фойдаланиш мақсадида кўплаб ёдгорликлар бузиб ташланди,

хувиллаб қолган мадраса ва масжидларнинг кўпчилиги омборларга, идораларга шунингдек қамоқхоналарга айлантирилган эди.

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз шаҳарларининг бир қанча меъморий шаҳарсозлик лойиҳалари амалга оширилди. Шаҳарларнинг марказлари, уларнинг тарихан шаклланган, “эски шаҳар” қисмлари қайта тикланди. Ноёб жамоат бинолари, замонавий меҳмонхоналар, коллеж ва лицейлар, спорт мажмуалари қад кўтарди, бозорлар янгиланди, якка тартибдаги лойиҳалар бўйича турар жой уйлари қурилишида катта имкониятлар очилди. Шу йилларда бутун мамлакат нақлиёт инфраструктурасини қайта тиклаш ва ривожлантиришга айрича эътибор берилди. Йўллар, кўприклар ва бошқа муҳандислик иншоотлари барпо этиш бўйича талай ишлар қилинди. Жаҳон бозори билан қулай ва энг қисқа йўл орқали алоқа ўрнатишга интилиш Ўзбекистон Республикасининг стратегик жиҳатдан муҳим вазифаси бўлиб қолди. Мазкур масалани ҳал этишда мамлакат раҳбарияти танлаган йўл — тарихан юзага келган Буюк Ипак йўлини қайта тиклаш ва ривожлантириш йўли амалда тўла рўёбга чиқарилмоқда.

Дарҳақиқат, меъморчилик — халқнинг тарихий ёдгорлиги бўлиб, у аксар ҳолларда меъморнинг ижодий илҳоми жўш урганда яратилади. У аجدодлар орзу-умидларидан, жамият кўзгуси сифатида ўтмишдаги ва ҳозирдаги ҳар бир даврнинг меъморий қудратидан дарак беради. Бунда ўзига майда-чуйда ғояларни, бадиий ютуқларни — замонасининг ижодий-эстетик ғояларини сингдириб олган моддий-кенглик муҳит алоҳида аҳамият касб этади, халқ ғурурининг негизи ва кучини ташкил этади ҳамда асрлар оша унинг бебаҳо мулки бўлиб қолади. Шу нуқтаи назардан XX–XXI аср боши Ўзбекистон меъморлиги тадқиқоти мутлақо илмий-амалий аҳамиятга молик ҳисобланади, зеро вақт ўтмишдошлар билан елкама-елка туришни, ворислик уфқларини кенгайтиришни тақозо этади, халқ мулкани, ўтмишининг ижобий тажрибасини ва замонавий меъморчилик ютуқларини ҳар тарафлама фикрлаш ва ўзлаштиришни талаб қилади. Бунда шаҳарсозлик муаммолари ва янги маънавий идеалларга, ижтимоий буюртма имкониятларига таянувчи замонавий иншоот меъморий қиёфасини яратишнинг янги воситалари биринчи даражали аҳамият касб этади.

Дастур олти бўлимдан иборат бўлиб, уларнинг кетма-кетлиги умумийдан-хусусийга, қадимдан-ҳозирги кунги тамойили асосида таъмирланган. Ўрта Осиёга, биринчи навбатда Ўзбекистонга устувор эътибор берилган.

Дастурунинг мақсад ва вазифалари

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 24 июлдаги «Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги ПФ-4456-сон Фармони (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 30-сон, 346-модда) ҳамда «Фан доктори ва фалсафа доктори илмий даражасини бериш тартиби тўғрисидаги Низом»га мувофиқ фан доктори илмий даражасига талабгорлар топшириши керак бўлган малакавий имтихонлар мазмунини ва уларни ўтказиш тартибини белгилайди.

Имтихонларни қабул қилиш комиссиялари ҳар бир фан бўйича Бухоро Мухандислик Технология Институтининг ректори томонидан тасдиқланган ҳолда икки йил муддатга тузилади. Комиссия илмий даражага эга бўлган малакали илмий ва илмий-педагог ходимлардан иборат бўлган уч-беш нафар аъзодан, шу жумладан шу фан соҳаси бўйича фан доктори ёки фан номзоди илмий даражасига эга бўлган раисдан иборат бўлади. Комиссия раисидан ташқари комиссия аъзоларидан камида икки нафари фан доктори ёки фан номзоди бўлиши лозим.

Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритгач, маданий меросни муҳофаза қилиш, архитектура ёдгорликларини қайта тиклаш, тарихий шаҳарлардаги обидаларни таъмирлаш ишлари давлат сиёсати доирасида амалга оширилди. Самарқанддаги Амир Темур жоме масжиди ва Бухородаги Минораи Калон, Термиздаги Султон Саодат қадамжо даҳмаси ва Самарқанддаги Шоҳи Зинда мақбараси ўз архитектуравий жилваси билан яна кишиларни ҳайратга солмоқда.

Дарҳақиқат, мамлакатимизнинг Шаҳрисабз, Самарқанд, Хива, Қўқон, Тошкент, Термиз, Навоий, Кармана ва бошқа шаҳарларида катта таъмирлаш ишлари олиб борилди. Бугунги кунга келиб бутун башарият учун қимматли ҳисобланган Самарқанд, Шаҳрисабз, Бухоро ва Хива сингари тарихий шаҳарларнинг архитектуравий қўриқхоналари ЮНЕСКО муҳофазасига олинган. Ихтисослик фани бўйича малакавий имтихон (Малакавий имтихонларни ўтказиш тартиби тўғрисидаги НИЗОМ, ЎзР ВМ ОАК раёсатининг 2013 йил, 31 январдаги 195/6 сон қарорига илова, 2 боб, 9 банди): «талабгорнинг назарий ва касбий тайёргарлиги даражаси, унинг ушбу фаннинг шаклланиши ва ривожланиши тарихи, умумий концепциялари ва методология масалалари, манбалари, шу билимлар тармоғининг асосий назарий ва амалий муаммоларини қай даражада билишини аниқлаб бериши, унинг соҳага оид илмий адабиётларни,

жумладан хорижий даврий нашрларни ҳамда илмий тадқиқотларнинг замонавий усулларини қай даражада эгаллаганлиги;

талабгор тегишли фан соҳаси ривожининг ҳозирги аҳволи, муаммолари ва истиқболларини, унда ўтказаетган тадқиқотнинг ўрни, янгилиги ва аҳамиятини билишини кўрсатиб беришини назарда тутати”.

Ушбу дастур архитектура тарихи, назарияси, меъморий ёдгорликларни таъмирлаш ва сақлаш бўйича илмий-педагогик кадрлар тайёрлашга қаратилган бўлиб, 18.00.01– “Архитектура назарияси ва тарихи. Архитектура ёдгорликларини таъмирлаш” мутахассислиги бўйича Фан доктори ва фалсафа докторлари тайёрлашда катта аҳамиятга эга. Шу боисдан, архитектурашунос, таъмиршунос, архитектуравий меросни ўрганиш ва уларни сақлаш бўйича мутахассислардан, уларнинг юқори даражадаги билим ва касбий малакаларга эга бўлишлиги, таъмирлаш билан боғлиқ илғор усулларини пухта ўрганишлари, бу борада, айниқса, замонавий инновацион технологияларни, архитектуравий ёдгорликлардан замонавий мақсадларда фойдаланиш усулларини пухта билишларини талаб этилади.

Дастурнинг мақсади - кадрларга замонавий талабларни кўзда тутиб, докторантурада ўз диссертация ишини ҳимоя қилувчиларнинг Архитектура назарияси ва тарихи, Архитектура ёдгорликларини таъмирлаш ва қайта қуриш, Ўзбекистон истиқлол йиллари меъморчилиги курслари бўйича билимларини объектив аниқлаш ва баҳолашдан иборат.

Имтихонлар дастурига “Архитектура тарихи” фанининг қуйидаги: Санъат тарихи, Архитектура тарихи, Шаҳарсозлик тарихи, Ўрта Осиё архитектураси тарихи, Янги архитектура тарихи (Чет эл архитектураси, Ўзбекистон ва МДХ меъморлиги) йўналишлари киритилган, шунингдек Ўзбекистон истиқлол йиллари меъморлиги, Архитектура назарияси ва тарихи, Ёдгорликларни таъмирлаш ва қайта тиклаш фанлари ҳам киритилган.

Тасвирий санъат турлари ва уларнинг синтези; Стиллар ва оқимлар; Туроннинг мил.ав. VI-I асрлар санъати (“Амударё хазинаси”, Холчаён, Далварзинтепа, Қоратепа, Айритом фризи); Туроннинг I-IV асрлар санъати; Туроннинг илк ўрта асрлар санъати (Варахша, Болаликтепа, Афросиёб, Панжакент деворий суратлари), Ислом дини жорий этилгандан кейинги давр Мовароуннахр санъати (нақш турлари, миниатюра); Амир Темур ва темурийлар даври санъати. Ҳиндистоннинг бобурийлар даври санъати; Ўзбекистоннинг 2-жаҳон уруши вақтидаги ва ундан кейинги давр санъати.

Архитектура таърифи, унинг уч жиҳати, архитектура тармоқлари; Қадимги Ўрта Осиё ўрта асрлар архитектураси (иншоотлар типлари,

безаклар); Ҳиндистоннинг бобурийлар давридаги архитектураси; Қадимги Туроннинг илк шаҳарлари; Қадимги Туроннинг дастлабки антик давридаги шаҳарлари; Қадимги Туроннинг кушонлар давридаги шаҳарлари; Бухородаги ва унинг теварагидаги меъморий мажмуалар; Самарқанддаги Регистон майдонининг шаклланиши ва ривожланиши; Хива тузилиши. Ундаги минораларнинг композицион аҳамияти;

Имтихон ўтказишдан мақсад – талабгорларда архитектура назарияси, тарихи ва шаҳарсозликнинг янги босқичдаги услуб ва йўналишлари бўйича кўникма ва малака шаклланганлигини аниқлашдан иборат. Имтихоннинг вазифаси – замонавий меъморчилик асосларини ўрганиш, энг йирик меъморлар ҳаёти ва ижодини таҳлил этиб, уларнинг ютуқларидан унумли фойдаланиш, ҳамда бой тарихий анъанавий услубларимиз орқали замонавий ўзбек архитектурасини ривожлантиришдан иборат.

Санъат тарихи

Умумжаҳон санъати. Ибтидоий жамоа тасвирий фаолияти. Қадимги Шарқ ва Эгей дунёси санъати. Антик дунё санъати. Қадимги Ўрта Шарқ санъати. Ўрта асрлар санъати. Уйғониш даври санъати. XIV – XVII асрлар рус санъати. XVII аср Фарбий Европа санъати. XVIII – XIX асрлар 1–ярми санъати. XIX аср 2–ярми – XX аср санъати. Ўрта Осиё санъати. Ўрта Осиёнинг ибтидоий жамоа давридаги санъати. Антик давр меъморчилик санъати. Ўрта Осиёнинг илк ўрта асрлар (VI – VIII асрлар) санъати. IX – XIII асрлар санъати. Темур ва темурийлар даври (XIV – XV асрлар) санъати. Ўрта Осиёнинг XVI – XX аср бошларидаги санъати. Ўзбекистон, МДҲ давлатлари санъати. Истиқлол йиллари санъати.

Архитектура тарихи

Ибтидоий жамоанинг қурилиш фаолияти. Қадимги Миср архитектураси. Қадимги Иккидарё оралиғи архитектураси. Эллинизм архитектураси. Қадимги Рим архитектураси. Византия, Киев давлати ва Россиянинг XIV – XVII асрлар архитектураси. Ўрта ва Яқин Шарқ ўрта асрлар архитектураси. Ҳиндистоннинг ўрта асрлардаги архитектураси. Хитой ва Япониянинг ўрта асрлар архитектураси. Фарбий Европанинг романика архитектураси. Фарбий Европанинг готика архитектураси.

Уйғониш даври архитектураси. Уйғониш архитектурасининг илк даври. Уйғониш архитектурасининг юксалган даври. Уйғониш архитектурасининг сўнгги даври. Уйғониш архитектурасининг сўнгги даврида сарой – боғ санъатининг ривожланиши. Барокко архитектураси. Барокко услубининг бошланғич даври. Юксалган барокко архитектураси. Франция ренессанси

даври. Франция классицизми давлари. XVII асрнинг 1-ярмидаги Франция архитектураси. XVII асрнинг 2-ярмидаги Франция архитектураси. Франциянинг XVIII аср архитектураси. Франциянинг XIX аср архитектураси.

Шаҳарсозлик тарихи

Шаҳарсозлик тарихининг умумий тавсифи. Қадимги Шарқ мамлакатлари шаҳарсозлиги. Қадимги Миср, Олд Осиё шаҳарлари. Қадимги Ўрта Шарқ. Эрон, Бактра шаҳарлари. Қадимги Ҳиндистон ва Хитой шаҳарсозлиги. Қадимги Ўрта Осиё шаҳарсозлиги: Авесто, Шимолий Парфия, Шимолий Бактра, Сўғд, Хоразм, Чоч, Паркана шаҳарлари.

Антик даврдаги шаҳарсозлик: Эгей дунёси, Қадимги Юнонистон, эллинизм Қадимги Рим шаҳарсозлиги. Ўрта асрлар шаҳарсозлиги: Византия, Ғарбий Европа мамлакатлари, Ғарбий Европанинг XV-XVII асрлардаги шаҳарсозлиги: Уйғониш, Барокко ва Классицизм давлари. Киев давлати Қадимги Россия шаҳарлари. Яқин ва Ўрта Шарқнинг ўрта асрлардаги шаҳарлари. Ўрта Осиёнинг илк ўрта асрлар ва ривожланган ўрта асрлар шаҳарсозлиги.

XVIII-XIX аср 1-ярмидаги шаҳарсозлик: Ғарбий Европа (Франция, Германия, Англия), Россия ва Шимолий Америка шаҳарсозлиги. Ўрта Осиёнинг шу даврдаги шаҳарсозлиги. XIX 2-ярми - XX бошидаги шаҳарсозлик: Ғарбий Европа (Франция, Германия, Англия), Россия ва Шимолий Америка шаҳарсозлиги. Ўрта Осиёнинг шу даврдаги шаҳарсозлиги.

Ўрта Осиё архитектураси тарихи

Ўрта Осиё архитектура тарихининг умумий тавсифи. Илк давр меъморлиги: энг илк (м.а.VIII асргача) ва илк (м.а.VIII-IV а.) босқичлари. Қадимги (аҳмонийлар) ва илк антик ва кушонлар даври меъморлиги (VI-VIII асрлар. IX-X асрлар меъморлиги. XI-XII асрлар меъморлиги. Бу даврдаги асосий меъморий мактаблар. XIII-XIV а. ўртасидаги меъморлик. Амир Темур даври меъморлиги. Темурийлар (XV а.) меъморлиги. XVI а. 1-ярми меъморлиги. Абдуллахон (XVI а. 2-ярми) ва Аштархонийлар (XVII а.) меъморлиги. XVIII-XIX а. ўртаси давридаги меъморлик: Бухоро амирлиги, Хива хонлиги ва Қўқон хонлиги меъморликлари. XIX а. охири – XX аср бошидаги меъморлик: янги қурилиш ашёлари, конструкциялари, янги типдаги бино ва иншоотлар. Анъанавий меъморчиликдаги ўзгариш. Мисоллар, Европа услубида қурилган бино ва иншоотлар. Уларда маҳаллий

меъморчилик унсурларини қўлланиши. Ўрта Осиё меъморчилиги ривожининг умумий якунлари.

Янги архитектура

Чет эл архитектураси. Чет эл замонавий архитектурасининг шаклланиши ва вужудга келган шарт – шароитлари. XIX аср мобайнида шаҳарлар тараққиётида Янги тенденцияларнинг пайдо бўлиши. Архитектура янгиликлари марказининг Англиядан Америкага кўчиши. Чет эл архитектурасининг Биринчи жаҳон урушидан кейинги даври. XX асрнинг 20-30 йилларидаги архитектура. Биринчи жаҳон урушидан кейинги Франция сиёсий – иқтисодий аҳволи. 30-йилларнинг бошларида Англияда янги архитектура ғояларининг тарқалиши. В.Гропиус. Иккинчи жаҳон уруши оралиғи давридаги АҚШ архитектураси. Курилиш техникаси ва курилиш ишлаб чиқариш воситаларининг кескин ривожига натижасида урушдан кейинги даврда янги архитектура шакллари тарқалиши. XX аср 50-йилларнинг 2-ярмида Райт бошқарган “Ўзвий меъморлик” йўналишига бўлган қизиқиш ва рационализм архитектурасига кўрсатилган карама-қаршиликлар. XX асрнинг 20-йилларида экспрессионизмнинг тикланиши ва унинг урушдан кейинги даврда тараққий этиши.

Ўзбекистон ва МДХ меъморлиги. XIX-XX асрлар. Ривожланиш давлари: 1865-1917, 1917-1932, 1932-1954, 1954-1977, 1977-1991, 1991-2016. Тасмасимон ва ихчам шаҳар режаларининг келиб чиқиши ва уларни XVII-XX асрлардаги эволюцияси. Ўзбекистоннинг икки қисмли шаҳарлари ва уларни бирлаштиришга қаратилган илк чоралар. Ишчилар шаҳарчалари ва ишчилар турар жойларини биринчи лойиҳалари, «Хлопстрой» ва К.В.Бабиевскийнинг турар жойлари, Самарқанднинг коммуна уйи ва Тошкентнинг коммуна квартали, Тошкентнинг ошхона-фабрикалари, турмуш умумлаштирилишидаги ютуқлар ва камчиликлар. Урбанизм ва дезурбанизм концепциялари ва А.А.Сильченковнинг Тошкентни биринчи қайта режалаштириш лойиҳаси. “Миллий услуб” яратишга қаратилган назарий ва амалий асарлар. Биринчи техникум ва университетлар, биринчи театр ва Халқ уйлари. М.Я.Гинзбургнинг “миллий меъморлик” назарияси ва уни Ўзбекистон ва Қозоғистонда қўлланганлиги. Меъморлик Академиясини тузиш, Москва бош режаси ҳақида Қарор, Тошкентнинг 1930 йилларда яратилган бош режалари ва ансамбллари. 1930-1950 йиллардаги тарихий шаҳарларни “чегаралаш” ва “портлатиш” концепциялари. Радиал-ҳалқасимон режалаштиришнинг тарқалиши. 1939-1954 йилларда яратилган Кутин, Озеров-Рачинская ва Мерпорт секциялари. Тошкент

М.С.Булатовнинг 1949 йил режасидан А.П.Бушуевнинг 1960 йил башоратигача. “Шарқ+классика” услуби 1932-1954 йиллар назария ва амалиётида: А.В.Щусев эклектика ва темурийлар хақида, Б.Н.Засипкин “Ватан” кинотеатри услуби хақида, Э.Лаченс ордерлар хақида. Ортиқчаликка қарши 1954 йил Қарори, янги лойиҳалаштириш институтлари, ДСКлар. Навоий ва Зарафшон янги шаҳарлари, Тошкент метроси. Европадан келтирилган микрорайон концепциясининг ўзгартирилиши. 1960-1980 йилларнинг тезқатнов йўлларида турар жойлар ва ижтимоий бинолар мажмуаларининг ва ориентир биноларининг шаклланиши. 1950-1980 йилларининг Ўзбекистон меъморий услубларидаги интернационал, регионал ва миллий йўналишлари. ТашЗНИИЭПнинг 1970–1980 йиллар турар жойларида ўтказган ижтимоий ва микроиклимий текширувларининг натижалари. Турар жой ҳудудларининг ва йирик режалаштирилган ҳудудларнинг шаклланиш муаммолари собиқ СССР ва Ўзбекистон Республикасининг “Қурилиш меъёрлари ва қоидалари”да. Ўзбекистон шаҳарлари режаларини ривожлантириш келажаклари ва тарихий шаҳарларнинг улардаги ўрни.

Ўзбекистоннинг истиқлол йиллари меъморлиги

Ўзбекистоннинг мустақилликка эришуви ва миллий тараққиёт йўли. Шаҳарсозликда халқ меъморлик меросидан ўрнатилган олиб, маҳаллий шароитларга мослик, кўркам ва шинамлик, жаҳон андозаларидан қолишмаслик. Ўзбекистон архитектура ва шаҳарсозлигининг янги босқичдаги ижтимоий-сиёсий ҳаёт билан боғлиқлиги. Шаҳарсозлик ва архитектура бўйича Ўзбекистон Республикасининг қатор Фармон ва қарорлари. Қадимий шаҳарларнинг янги қиёфаси, уларнинг бош режалари. Шаҳар марказларининг қайта қурилиши, янги шаҳарлар ва уларнинг тараққиёти.

Йирик маъмурий ва жамоат бинолари архитектураси: Олий Мажлис, Оқсарой мажмуаси, Тошкент шаҳар Хокимлиги биноси, Темурийлар тарихи давлат музейи, вилоятлардаги йирик жамоат бинолари, банклар, меҳмонхоналар ва ҳ.к. Оммавий жамоат бинолари архитектураси: касб-ҳунар коллежлари, лицейлар, спорт ва савдо-сотиқ иншоотлари ва ҳ.к. Турар жой бинолари архитектураси: кўп қаватли, кам қаватли, хусусий муҳандислик иншоотлар архитектураси: аэропортлар, темир йўл вокзаллари, метро, йўллар, кўприклар. Боғ-роғ ва ландшафт архитектураси. Ўзбекистон истиқлол меъморчилигида санъатлар уйғунлиги, халқ усталари

ва рассомлар ижоди. Назарий услублар ва йўналишлар. Меъморий услубларнинг мустақиллик йилларидаги янгилиниши.

Фойдаланиладиган адабиётлар

Асосий адабиётлар:

1. Alexander C. The nature of order; book one: The phenomenon of life. California, 2002.
2. Alexander C. The nature of order; book two: The process of creating life. California, 2001.
3. Jan Gehl. Cities for people. Washington, 2012.
4. Martin J.S. Rudwick. Bursting the limits of time: The Reconstruction of Geohistory in the Age of Revolution. The University of Chicago Press, 2005.
5. Myron E. Ferguson. Better Houses, Better Living. Home user press, Salem, Oregon, 2004.
6. Аскарлов Ш.Д. Метаморфозы регионализма. Критика концепций. – Москва: Стройиздат, 1987.
7. Аскарлов Ш.Д. Регион-пространство-город. – М.: Стройиздат, 1988.
8. Аскарлов Ш.Д. Архитектура Узбекистана и стран СНГ. – Санъат // 2012.
9. Аскарлов Ш.Д. Архитектура Темуридов. Ташкет: Санъат, 2009.
10. Аскарлов Ш.Д. Генезис архитектуры Узбекистана. Ташкент: Санъат, 2014.
11. Ахмедов М.Қ. Пути развития средневековых архитектурных ансамблей Узбекистана.-Ташкент: Fan va texnologiya, 2014.
12. Ахмедов М. Меъморий мерос. Т.: 2011.
13. Ахмедов Э., Тешабаев М. Новые города Узбекистана. Т.: 1984.
14. Абдуллаев Н.Ж. Санъат тарихи, Т.2, Т.: 2002. (дарслик).
15. Ахмедов М.Қ. Ўрта Осиё меъморчилиги. Т.: 1995
16. Бакирхонов Ф.Ф. Ўзбекистон Республикаси шаҳарсозлик кодекси — шаҳарсозликни ривожлантиришнинг қонуний асосидир. “Ўзбекистон архитектураси ва қурилиши”, № 1, 2002, б. 10-11.
17. Кадырова Т.Ф. Пути архитектурного возрождения Узбекистана за XX – нач. XXI вв. Монография. Т., 2007.
18. Қодирова Т.Ф. Ўзбекистоннинг замонавий меъморчилиги. Ўқув қўлланма. Т., 1995.
19. Меъморчилик. 1 қисм. Архитектура тарихи. Дарслик. Вохидов М.М., Ш.Р.Мирзаев. Тошкент. Таффакур нашриёти, 2010 йил.
20. Меъморчилик. 2 қисм. Фуқаролик бинолари. Дарслик. Ш.Р.Мирзаев. Вохидов М.М., Тошкент. Таффакур нашриёти, 2010 йил.
21. Қодирова Т., Лавров А., Маматмусаев Т. Ўрта Осиё шаҳарсозлик маданияти. Ўқув қўлланма, 2014.
22. Қодирова Т.Ф. Ўзбекистоннинг истиқлол йиллари меъморчилиги. Т. 2004.

23. Султонов Ў. Тошкент масжидлари тарихи. Т.: 2010.
24. Пўлатов Х.Ш. Шаҳарсозлик тарихи. ЎУМ. 4-5-6-7 қисмлар. Т., 2015.
25. Пўлатов Х.Ш. Архитектура ва шаҳарсозлик тарихи. Ўрта Осиё архитектураси. Ўқув қўлланма. ТАҚИ, 2000.
26. Пўлатов Х.Ш., Маматмусаев Т.Ш. Шаҳарсозлик ёдгорликларини қайта қуриш. Монография, Т.: 2017.
27. Маматмусаев Т.Ш. Ўзбекистон тарихий шаҳарларининг типологик ривожланиши. Монография. Т.: 2019.
28. Уралов А.С. Архитектура лечебно–целебных учреждений Центральной Азии и стран зарубежного мусульманского Востока. Самарканд., 2004.
29. Уралов А.С., Юсупов Р. Ўрта Осиёнинг ўтмишдаги таълим-тарбия ва илм-фан масканлари. Самарқанд-2005.

Қўшимча адабиётлар:

1. Акопджанян В.А. Лойиҳалар каталоги. Т. 2009 йил 19 октябр.
2. Аскарлов Ш.Д. Классицизм двадцатилетия. – Санъат // 2011, 2 сон.
3. Всеобщая история архитектуры. М:1, 2, 8 том, 1980.
4. Гутнов А.Э. Мир архитектуры. М.: 1985.
5. Гутнов А.Э. Эволюция градостроительства. М.: 1984.
6. Зияев А.А. Комплекс Хазрати Имам в Ташкенте. Историко-архитектурный очерк. Т.: 2008.
7. Зияев А.А. Комплекс Шайхонтохур. В прошлом и настоящем. Историко-архитектурный очерк. Т.:2008.
8. Маматмусаев Т.Ш. Мирзо Улугбек даври архитектураси. Монография. Т.: 2014.
9. Насриддинов Қ. Қарши Регистони. Т.: 2014.
10. Нозилов Д.А. Ўрта Осиё меъморчилигида интерьер. –Тошкент: Фан, 2005.
11. Кадилова Т.Ф. Навоий – Навои – Navoi. Т., 2000, 71 б.
12. Қодинова Т.Ф. ХХІ аср бўсағасида Ўзбекистон архитектураси. “Ўзбекистон архитектураси ва қурилиши”, №1, 2000. б. 2-5.
13. Пугаченкова Г.А. Термез. Шахрисабз. Хива. М.: 1976.
14. Пўлатов Х., Маматмусаев Т. Тарихий Қаршининг шаҳарсозлик тизими // Архитектура. Қурилиш. Дизайн. илмий журнали, ТАҚИ, 1-сон, 2016.
15. Саваренская Т.Ф. История градостроительного искусства М: 1984.
16. Ўзбекистон миллий меъморчилиги. М.М. Вохидов. “Бухоро”, 2009.
17. Самарқанд архитектура ёдгорликлари. М.М. Вохидов. “Бухоро”, 2009.
18. Бухоро архитектура ёдгорликлари М.М. Вохидов. “Бухоро”, 2009.
19. Хива меъморий обидалари. М.М. Вохидов. “Бухоро”, 2009.
20. Биноқорлик безакчилиги. М.М. Вохидов. “Бухоро”, 2009.

Мутахассислик фанидан саволлар

1. Қадимги Ўзбекистон меъморчилигида мақбаралар қуриш анъанаси.
2. Тошкент шаҳрининг XX аср бошидаги тузилиши.
3. Ўрта Осиё сардобалари хусусида маълумот беринг.
4. Замонавий Ўзбекистон меъморчилигида рангларнинг қўлланилиши.
5. Туроннинг илк ўрта асрлар санъати (Варахша, Болаликтепа, Афросиёб, Панжикент деворий суратлари).
6. Мирзо Улуғбек давридаги жамоат меъморчилиги.
7. Масжидларнинг типологияси ва уларга хос хусусиятларни ёритинг.
8. Париждаги Эйфел минораси архитектурасининг яратилиши.
9. Панжикент саройи интерьер ечими ва деворий суратлари.
10. Мезолит давридаги қадимги ғор ва қоятош суратлари.
11. Ўрта Осиё гумбазларининг вужудга келиши.
12. А.Щусев ва А.Навоий театри архитектураси.
13. Сўғдиёнанинг илк ўрта асрлар санъати (Афросиёб, Панжикент деворий суратлари).
14. Ўзбекистон меъморчилиги назарияси ва тарихида ижод этган олимлар.
15. Шаҳарда турар жой туманини ташкил қилиш масалалари.
16. Готика услуби ва Антонио Гауди ижоди.
17. Амир Темур меъморий мажмуасида орнаментларнинг қўлланилиши.
18. Қадимги Афросиёб саройидаги деворий суратлар композицияси.
19. Холчаён саройи меъморчилиги. .
20. Амир Темурнинг Тошкент, Самарқанд ва Шаҳризабз шаҳарларида ўрнатилган ҳайкалларига изоҳ беринг. Уларнинг муаллифлари, бадиий композицион ечимлари.
21. XI-XIII асрлар архитектурасидаги меъморий мактаблар.
22. Ўрта Осиёда Илк ўрта асрлар ибодатхоналар архитектураси.
23. Самарқанддаги Регистон майдони XVII аср.
24. Замонавий архитектурада янги услубларнинг юзага келиши.
25. Ўрта Осиёда илк ўрта асрларда меъморчилик ва ҳайкалтарошликнинг узвийлиги (буддавийликда).
26. Замонавий Ўзбекистон меъморчилигида архитектуравий ечим.
27. Шаҳарсозлик бўйича илмий-лойиҳавий ишлар тизими нима?
28. Имом ал- Бухорий мажмуининг меъморий- композицион ечими.
29. Антик давр иншоотларининг график реконструкция қилинганлиги.
30. Мил.ав. IV-I асрларларда Ўрта Осиё меъморлиги.
31. Кўп функцияли парклар ҳудуди қандай қисмларга бўлинади?
32. Истиқлол йиллари Тошкент метросининг қайси йўналиши ва бекатлари

бунёд этилди?

33. Антик даврда Ўрта Осиё архитектура ва тасвирий санъат узвийлиги.
34. Бино экстерьерларида бадий гишт териш усуллари (IX-XII асрлар).
35. Худуднинг демографик сиғими қайси омиллар билан аниқланади?
36. Истиклол йилларидаги Тошкент метросининг йўналиши ва бекатлари.
37. Афросиёбнинг Қорахонийлар давридаги деворий рангтасвирининг янги топилмалари.
38. Ўрта асрларда гумбаз архитектураси ва гумбаз турларининг шаклланиши.
39. Қадимий шаҳар дарвозаларига таъриф беринг?
40. “Интерконтинентал” меҳмонхонаси мажмуининг меъморий-композицион ечимига изох беринг.
41. Ўрта аср меъморчилигида эпиграфик орнаментларнинг қўлланилиш сабаблари ва турлари.
42. XVI асрда гумбаз конструкцияларининг ўзгаришлари;
43. Будда ибодатхоналари ва унинг иншоотлари.
44. Базмгоҳлар архитектураси ва бадий ечимлари.
45. Қадимги шаҳарсозликда шаҳар девори дарвозалари.
46. Меъморчиликда ёғоч ўймакорлиги санъати ривож.
47. Ўрта Осиё минораларининг турларига мисол келтиринг.
48. Ўзбекистон шаҳарсозлигидаги янги босқич моҳиятини тушунтириб беринг.
49. Ўрта Осиё архитектурасида умумийлик ва хусусийлик (Сўғд, Хоразм).
50. Ўзбекистон меъморчилигида Эпиграфика санъатининг юзага келиши.
51. Бухородаги савдо-сотик мажмуаларининг типологик асослари.
52. Ортиқча безакбозликка қарши қарорнинг моҳияти.
53. Бухоро амирлиги меъморчилиги (Бола-Ҳовуз, Арк, Чор минор).
54. Меъморчиликда пештоқнинг юзага келиши.
55. Замонавий шаҳарсозликда кичик меъморий шаклларнинг ўрни.
56. Москва метрополитенининг яратилиш тарихи.
57. Ўзбекистонда миноралар қуриш анъанаси бардавомлиги.
58. Темурийлар даври меъморчилигида кундал безак санъатининг қўлланилиши.
59. Ўзбекистон илк ўрта асрлар давр архитектураси тарихи.
60. Баухауз архитектура мактабининг фаолияти.
61. Тупроққалъа саройининг бадий архитектуравий безаклари.
62. Ўрта Осиё архитектураси бадийлигида монокромия ва полихромия.
63. Ўрта Осиёда эпиграфиканинг архитектура фасадида қўлланилиши.
64. Шаҳрисабз Оқсаройининг меъморий ва бадий жиҳатлари.

65. Бухоро шаҳрида хонликлар даври архитектураси ривож.
66. Меъморчиликда майдон-мажмуаларнинг вужудга келиши.
67. Шаҳар муҳитида кичик туман ҳудудини ташкил этиш.
68. Докторлик диссертациясининг амалиётга татбиғи ҳақида маълумот.
69. Ҳиндистоннинг бобурийлар даври архитектураси (Тоҷмаҳал).
70. Амир Темур ва темурийлар даври архитектураси.
71. Ландшафт архитектурасида меъморий қўриқхоналар, очиқ осмон остидаги музейлар ташкил этиш масалалари.
72. Ўзбекистон меъморчилигида монументал архитектуранинг ривож.
73. Ўзбекистон меъморчилигида ўқув иншоотларининг қўлланилиши (Консерватория, коллеж ва лицейлар).
74. Ўрта Осиёда XIV-XV асрларда меъморий безакларнинг турлари.
75. Қишлоқ инфраструктурасини ривожлантириш нима?
76. Диссертация иши натижаларининг фан тараққиётидаги ҳиссаси.
77. Мовароуннаҳрнинг XI-XII асрлар архитектураси ва санъати.
78. Ўрта Осиё меъморчилигида биноларнинг ташқи ва ички бадийлиги.
79. Шаҳарнинг функционал мазмуни нимадан иборат?
80. Ўрта Осиёда Илк (мусулмон) ренессанси даври архитектураси.
81. Ўрта Осиё ва Ўзбекистонда хонликлар даври архитектураси (XV-XVI асрлар).
82. Меъморчиликда санъат турларининг синтези.
83. Хива архитектурасида қалъалар меъморий ечими.
84. Сиднейдаги Опера театри биносининг меъморий қиёфаси (Йорн Утсон, 1956).
85. Панжикентдаги интерьер деворий рангтасвири.
86. Телеминора биноси архитектуравий ечими қайси услубда ечилган.
87. Туроннинг мил.ав.ги V-I асрлар санъати (Айртон, Холчаён).
88. Ўрта аср шаҳарларининг схематик тузилиши.
89. Меъморий-бадий орнаментнинг архитектурадаги аҳамияти.
90. Самарқанддаги Регистон майдонининг шаклланиши ва ривожланиши.
91. Аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатиш босқичлари.
92. Замонавий архитектура услублари ва йўналишлари.
93. Самарқанддаги Регистон майдонининг шаклланиши ва ривожланиши.
94. Амир Темур ва темурийлар ренессанси даврида архитектура ривож.
95. Ўрта асрларда мадрасалар архитектурасида типологик ечим.
96. Замонавий меъморликнинг анъанавий халқ санъати билан уйғунлашган услуби.
97. Темурийлар тарихи музейи архитектураси.
98. Ўзбекистон меъморчилигида замонавий услубларнинг шаклланиши.

99. Хивадаги Калтаминор минорасининг яратилиши.
100. Ландшафт архитектурасида очик ҳудуднинг архитектуравий ташкил этилиши.
101. Қарши шаҳрининг 2700 йиллик юбилейи муносабати билан қайси тарихий обидалар қайтадан тикланди? Мисоллар келтиринг ва изох беринг.
102. Қадимги Туроннинг дастлабки антик давридаги шаҳарлари.
103. Бобурийлар даври архитектураси ва санъати (Ҳиндистон). Самарқандда Улуғбек расадхонаси меъморий ечимини илмий ва график тиклашда ўз ҳиссасини қўшган олимлар, кимлар?
104. Самарқандда қайта тикланган Улуғбек расадхонаси биноси меъморий ечими вариантлари ва уларнинг бир-биридан фарқи.
105. Қайси замонавий биноларда анъанавий миллий услуб қўлланилган?
106. Ислом дини жорий этилгандан кейинги давр Мовароуннаҳр санъати (нақш турлари, миниатюра).
107. Меъморчиликда тасвирий санъат синтези ва бадиий уйғунлик.
108. Замонавий шаҳарсозликда рамзий тоқ ва дарвозаларнинг ривожланиши.
109. Оскар Нимейер ижодида архитектура.
110. Ўзбекистоннинг 1970-80 йиллар санъати. Чингиз Ахмаров ижоди.
111. Бухоро Аркининг меъморий ечими.
112. Ўзбекистон Миллий академик драма театрининг меъморий-композицион ечимини изохлаб беринг.
113. Турон архитектурасида бўртма ҳайкалтарошлик.
114. Ўрта Осиё архитектурасида пишиқ ғиштнинг бадиий қўлланилиши.
115. Шаҳарсозлик дизайнида ташқи рекламаларнинг қўлланилиши.
116. Самарқанддаги Шохи-Зинда ансамблида мустақиллик йилларида олиб борилган таъмирлаш ишлари.
117. Болаликтепа меъморий ёдгорлигидаги меҳмонхона деворий тасвири.
118. Тошкент куранти биноси архитектуравий ечими қайси услубда ечилган.
119. Кўргазма паркларнинг ландшафт архитектурасидаги ўрни.
120. Тошкент метросининг йўналишидаги бекатлар бир-бирларидан қайси услублар орқали фарқ қилади.

**18.00.01 – «Архитектура назарияси ва тарихи.
Архитектура ёдгорликларини таъмирлаш»
ихтисослиги бўйича имтиҳоннинг
БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ**

Давлат аттестацияси имтиҳонлари тест шаклида қабул қилинади ва балларда баҳоланади.

Энг юқори умумий балл 100 га тенг.

Тестда 50 та савол киритилиб, ҳар бир савол 2 балл билан баҳоланади.

Тест натижалари қуйидагича баҳоланади:

60% дан 72 % гача, 30-36 та тўғри жавоб – 3 баҳо;

73% дан 85 % гача, 37 -42 та тўғри жавоб – 4 баҳо;

86% дан 100 % гача, 43 -50 та тўғри жавоб –5 баҳо.

“Архитектура”
кафедраси мудири



Мирзаев Ш.Р.